

Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барно этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузасида парламент палаталарининг ўтган 5 йилликдаги фаолиятида эришилган натижалар ҳамда бой берилган имкониятлар чуқур ва асосли таҳлил этилиб, халқ ишончини оқлати, нуртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти йўлида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Қонунлар сифатини янада ошириш

ДЕПУТАТЛАР ОЛДИДАГИ МУҲИМ ВАЗИФА

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Қонунлар сифатини янада ошириш

ДЕПУТАТЛАР ОЛДИДАГИ МУҲИМ ВАЗИФА

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Бу мақсад ва вазифаларнинг ижросини таъминлаш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, мамлакатимиздаги сиёсий партиялар, партиялар фракциялари ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари олдидаги масъулиятни янада оширади.

Чунинчи, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Президентимиз маърузасида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилиниб, тегишли дастур ишлаб чиқилди. Шунингдек, қўйи палатадаги Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси ҳам ушбу маърузадан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан жорий йил ва истиқболга мўлжалланган асосий йўналишлари, тадбирлар режаси ва дастурини ишлаб чиқиб, шу асосда ўз фаолиятини юритмоқда.

Бу ўринда, энг аввало, ўзМТДП фракцияси томонидан 2010 йил февраль ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида янги иш бошлаган депутатлар учун ташкил этилган илмий-амалий ўқув семинарларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу машғулотлар парламентга илк бор сайланган депутатлар учун айтиш мумкин бўлди. Чунки депутат аввал қандай вазифа ёки лавозимда ишлаган, қандай илмий унвон, даража, тажриба ва салоҳиятга эга бўлмасин, ҳар бир халқ вакили сайловчилар олдида ўз зиммасига олган мажбуриятини бажариши учун дастлаб парламент ҳаётини чуқур билиб олиши зарур. Бусиз депутат ўз фаолиятини самарали йўлга қўйиш ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлардан фойдаланишда қўзғалган натижасига эришолмаслиги мумкин. Чунки доимийлик асосида иш олиб борадиган парламент депутатдан ўзига хос масъулият, билим ва кўникма талаб қилади. Тўғри, ҳар доим ҳам бундай семинарларни ўтказиш имкони бўлмас, аммо бу тажрибанинг янги таркибдаги парламент фаолиятида қўлланилгани депутатлар учун амалий кўмак вазифасини ўтаганлигини эътироф этиш мақсада мубофиқ. Асосан бу жараёнда парламент фаолиятини ўзида мужассам этган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда катта илмий-амалий тажрибага эга бўлган депутатлар маслаҳатларидан кенг фойдаланилди.

Ўз навбатида фракциямиз аъзолари — тажрибали депутатлар томонидан ташкил этилган бундай ўқувларда 30 дан ортиқ мавзулар ўрганилиб, зарур билим ва кўникмалар олинди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Конституциявий мақоми ва ваколатлари», «Парламент сўрови», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан муносабатлари», «Сиёсий партиянинг фракцияси ва унинг маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳлари билан алоқалари», «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун ва ундан келиб чиқадиган вазифалар» каби қатор мавзулар муҳокамаси илк мартаба ва такрор сайланган депутатлар ўртасидаги илмий-амалий ва қизгин баҳс-мунозаралар тарзида бўлиб ўтди.

Шунингдек, Президентимиз маърузасида парламент олдида кўйилган муҳим вазифалардан бири қабул қилинаётган қонунлар сифатини янада яхшилаш масаласига тўхталадиган бўлсак, айнан ана шу жиҳатлар семинарларда тўлалигича қамраб олинди ва бунинг амалий натижаси айтиш пайтда янада сезилмоқда. Фаолиятимизнинг асосини ташкил этадиган ушбу йўналиш бўйича машғулотларда орттирган тажрибамиздан келиб чиқиб айтиш жоизки, Ўзбекистонда қонун ишқорлиги жараёни Конституция, Конституциявий қонунлар ва бошқа бир қатор айнан шу йўналишда қабул қилинган ҳужжатлар билан алоҳида тартибга солинган. Мамлакатимизда икки палатали парламентнинг шаклланиши қонунлар лойиҳаларининг кўриб чиқилиши ва қабул қилинишининг такомиллаштирилган тартиб-тамойилларини жорий этилишини тақозо этди. Натижада, қонунлар лойиҳаларини Қонунчилик палатаси ялпи йиғилишида уч ўқишда кўриб чиқиш ва қабул қилиш муфассал тартибга солинди. Амалдаги тартиб-тамойилларга мувофиқ қонун лойиҳаси бўйича Қонунчилик палатаси Спикери томонидан масъул кўмита белгиланади. Қўйи палата кенгаши масъул кўмита тақдим этган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун кун тартиби лойиҳасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилади. Биринчи ўқишда кўриб чиқиш чоғида қонун лойиҳасини қабул қилиш зарурати, лойиҳа концепцияси, унинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларига мувофиқлиги, шунингдек, қонунни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ва молиялаш манбалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинади. Лойиҳани иккинчи ўқишга яъни моддама-модда кўриб чиқишга тайёрлаш мураккаб жараён бўлиб, бу вазифа масъул кўмита томонидан амалга оширилади. Бунда одатда кўмита аъзолари, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг вакили, шу соҳадаги мутахассислар, олимлар, экспертлар ва жамоатчилик вакиллари таркибидан иборат ишчи гуруҳи тузилади. Қонун лойиҳасини учинчи ўқишга тайёрлашда масъул кўмита иккинчи ўқишда қабул қилиш чоғида таклиф этилган таҳлилий ўзгартишларни киритиб, уни учинчи ўқишда қабул қилиш учун Қонунчилик палатасига тақдим этади.

Мана шу муҳим жараён, яъни қонун лойиҳаларининг ҳар бир ўқишдаги муҳокамасида фракциямиз аъзолари нафақат кўмита аъзоси, балки партиявий мансублигимиздан келиб чиқиб муносабат билдирсак, таклифлар киритсак, биринчидан қонунлар сифатини оширишга, иккинчидан электоратимиз манфаатларини қонунларда акс эттиришга муваффақ бўламиз. Бу эса Юртбошимиз маърузаларидаги «Қонунчилик палатасидаги турли сиёсий фракциялар ўртасидаги рақобат қанчалик кескин ва кучли бўлса, жамиятимизнинг муайян сиёсий кучлари ва ижтимоий қатламлари манфаатларини ўзида ифода этадиган ҳар қайси партиянинг голяри, дастурий вазифалари ҳаётда муваффақиятли татбиқ этилишининг кафолати ҳам шунчалик мустақкам бўлади», деган аниқ хулосани амалий ифода этган бўлади.

Мавжуда РАЖАБОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси